

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2021 йил май ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди, очиқ сайёр суд мажлиси, Тўрақўрғон тумани, Туркистон МФЙ биносида, З.Тўраевнинг раислигида, А.Умаровнинг котиблигида, давлат айбловчиси Тўрақўрғон туман прокурори ёрдамчиси Б.Раҳманбердиевнинг катнашувида, вояга етмаган судланувчи [REDACTED], унинг қонуний вакили ҳамда ҳимоячиси - адвокат [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] қонуний вакили [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

[REDACTED] йил [REDACTED] апрелда Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, судланмаган, Тўрақўрғон тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] уйда яшайди, муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “г” банди айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2021 йил 3 январь куни соат 15:00 ларда Тўрақўрғон тумани, “[REDACTED]” МФЙ ҳудудида жойлашган компьютер ўйинлари хонасига бориб, у ерда бир неча фуқаролар ўйин ўйнаб турганида, жабрланувчи [REDACTED] тегишли бўлган нархи 1.000.000 сўмлик “HUAWEI” русумли телефон аппарати қувватлаш учун қўйилганида ҳеч кимга билдирмасдан яширин равишда талон-торож қилиб, фуқаро [REDACTED] телефон аппаратини ўзига тегишли эканлигини айтиб, телефон аппаратини гаровга қўйиб 400.000 сўм пул маблағини олган.

Терговга қадар текширув давомида, [REDACTED] баённома орқали олинган 1 дона “HUAWEI” русумли телефон аппарати ашёвий далил деб эътироф этилиб, жабрланувчи [REDACTED] тилхат орқали топширилган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, қонуний вакили иштирокида сўралганида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2021 йил 3 январь куни соат 15:00 ларда Тўрақўрғон тумани, “[REDACTED]” МФЙ ҳудудида жойлашган



компьютер ўйинлари хонасига боргани, бир неча фуқаролар ўйин ўйнаб тургани, ўзи ҳам ўйин ўйнагани, шунда “HUAWEI” русумли телефон аппарати зарядлаш учун қўйилганини кўриб, компьютер хонаси эгаси [REDACTED] телефон сизникими деб сўраганида йўқ деб жавоб бергани, сўнг ҳеч кимга билдирмасдан олиб кетгани, [REDACTED] МФЙга бориб, [REDACTED] телефон аппарати ўзига тегишли эканлигини айтиб, гаровга қўйиб 400.000 сўм пул маблағини қарзга олгани, телефон аппаратини қайтариб, 400.000 сўм пулни ҳам тўлагани, зарарлар тўлиқ қоплангани, онасиз етим ўсгани, ушбу қилган иши жиноят эканлигини билмагани, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

[REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлиги ҳақида кўрсатув берган бўлса-да, унинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидаги далиллар йиғиндиси билан ҳам ўз исботини топган. Жумладан:

жабрланувчи [REDACTED] қонуний вакили [REDACTED] суддаги, [REDACTED] ҳозирда Тошкент шаҳрида ишлаётганлиги сабабли унинг қонуний вакили сифатида иштирок этаётгани, 2021 йил 3 январь куни [REDACTED] компьютер ўйинлари хонасига чиқиб кетгани, кечга яқин [REDACTED] ўртоғи келиб телефон аппаратини каропкасини беришини айтгани, шу куни [REDACTED] соат 22-00 ларда келиб “HUAWEI” русумли телефон аппаратини зарядлаш учун қўйганида номаълум шахс ўғирлаб кетганлигини айтгани, сўнг ИИБ ходимлари томонидан жиноятни [REDACTED] содир қилганлиги аниқланиб, телефон аппарати қайтарилгани, судланувчига нисбатан давоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

бундан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар ва фото суратлар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, ашёвий далиллар ва жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 9-бандида, Гайриқонуний кириш деганда ўғирлик, талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириш тушунилади. Гайриқонуний кириш нафақат яширин, балки очикдан-очик, тўсиқларни, одамларнинг, шунингдек, кўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Алдаш йўли билан, шунингдек, қалбаки қисатномалардан фойдаланиб, масалан, сантехник, алоқа бўлими ходими,



газ, электр энергия ва ёнғиндан назорат қилувчи ходимлар ва бошқалар тариқасида бинода пайдо бўлиши ғайриқонуний кириш деб баҳолниши керак.

Ғайриқонуний кириш бирдан-бир мақсад бўлиб қолмасдан, айбдор ўғирлаб кетмоқчи бўлган бойликлар сақланаётган жойга кириб боришнинг услуги ҳисобланади. Шу сабабли уй-жойдан, бинодан ёки бошқа омборхонадан ўзганинг мулкни талон-торож қилиш нияти ғайриқонуний киришдан олдин юзага келади.

Агар айбдор хонага бошқа сабаблар билан кирган бўлиб, моддий бойликларни яширин ёки очикдан-очик талон-торож қилиш мақсади кейин пайдо бўлса ва бу ниятини у амалга оширса, қилмишда талон-торожнинг тушунтирилаётган тавсифлаш белгиси мавжуд бўлмайди.

Уй-жой деганда кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадан, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар) бино, шунингдек, унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқалар) тушунилади.

Омборхона деганда, товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинча бўлса-да сақлаш, ташиш, талон-торож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой тушунилади.

Махсус мосламалар (илгаклар, қармоқлар, магнитлар, сўриб олувчи резинка ичаклар, қисқичлар ва ҳоказо)дан фойдаланиб ўзганинг мулкни эгаллаш тушунтирилаётган уй-жой, омборхона ва бошқа хонага кириб қилинган талон-торожнинг тавсифлаш белгисини ташкил этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “г” бандида уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса жавобгарлик назарда тутилган.

Судда ва дастлабки терговда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи [REDACTED] компьютер ўйинлари хонасига бориб, у ерда бир неча фуқаролар ўйин ўйнаб турганида, жабрланувчи [REDACTED] тегишли бўлган нархи 1.000.000 сўмлик “HUAWEI” русумли телефон аппарати қувватлаш учун қўйилганида ҳеч кимга билдирмасдан яширин равишда талон-торож қилган.

[REDACTED] ўзгани мулкни талон-торож қилишга нисбатан бўлган қасди компьютер ўйинхонасига кириб, [REDACTED] “HUAWEI” русумли телефон аппарати қаровсиз қолдирилганлигини кўрганидан кейин пайдо бўлиб, компьютер ўйинхонасига ғайриқонуний равишда кириш аломатлари мавжуд эмас.



Юқоридагиларга кўра, [REDACTED] зиммасига Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан кўйилган айбловни ЖК 169-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилиш лозим бўлади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] шахсини ва содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини инобатга олиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини танлашда:

Мазкур Қарорининг 12-бандида, вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда судлар ЖК 81-90-моддаларида белгиланган хусусиятларни инобатга олишлари шарт.

Вояга етмаганларга жазо тайинлаш пайтида ЖК 54-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, ҳар бир муайян ҳолда, шунингдек унинг ривожланиш даражаси, турмуш шароити ва тарбияси, соғлиғи, жумладан, руҳий ривожланиш даражаси, жиноятни содир этиш мотивлари, катта ёшдаги шахсларнинг унинг хулқ-атворига салбий таъсири ҳақидаги маълумотлар, шахсига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар аниқланиши ва баҳоланиши лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахс иш судда кўрилаётган вақтда вояга етган бўлса ҳам, унга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ёки миқдори ЖК 82-85-моддаларида белгиланган максимал муддат ва миқдорлардан ошиши мумкин эмас.

Вояга етмай туриб жиноят содир этган шахсга жиноятлар мажмуи ёки бир неча ҳукм юзасидан узил-кесил жазо тайинлашда унинг миқдори:

жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар - ЖК 82, 83 ва 84¹-моддаларида назарда тутилган муддат ва миқдорлардан;

озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо - ЖК 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмида назарда тутилган муддатлардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Шахс томонидан бир неча жиноят содир этилиб, улардан айримлари вояга етмаган, қолганлари вояга етган даврда содир этилган бўлса, суд жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаётганида аввал ЖК 82-86-моддалари талабларига риоя этган ҳолда ўн саккиз ёшгача содир этилган жиноятлар учун, кейин эса, вояга етгандан сўнг содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаб, сўнгра ЖК 59-моддасига асосан узил-кесил жазо тайинлайди деб берилган тушунтиришларига амал қилиб;

[REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, уйланмагани, судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб топиб, ҳозирда вояга етгани, [REDACTED] зодан озод қилинган тақдирда келгусида ҳам жиноят содир этиши



мумкинлигини инобатга олиб, унинг ҳулқини тузатиш ва бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида, қонун санкцияси доирасида жарима жазосини тайинлашни, ҳукм қонуний кучга киргач эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

жабрланувчи [REDACTED] фойдасига етказилган моддий зарар қоплангани инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб,

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

[REDACTED] зиммасига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан қўйилган айблов Жиноят кодекси 169-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

[REDACTED] нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 1-қисми билан ЖК 82-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баравари миқдорида 1.338.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] фойдасига етказилган моддий зарар қоплангани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи, жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан йигирма сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

З.Тўраев

